

АЛИХОНТЎРА СОГУНИЙНИНГ ТАРЖИМА АСАРЛАРИ: УМУМИЙ ТАВСИФ ВА БИРЛАМЧИ ТАҲЛИЛЛАР

ТРУДЫ, ПЕРЕВЕДЕННЫЕ АЛИХАНТУРА САГУНИ: ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ И ПЕРВИЧНЫЙ АНАЛИЗ

TRANSLATED WORKS BY ALIHANTURA SAGUNI: GENERAL DESCRIPTION AND PRIMARY ANALYSIS

Zarifjon Z. ARSLONOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

*Basic doctoral student of IRCICA Department of
Islamic History and Source Studies
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
arslonovzarifjon@gmail.com*

DOI: 10.47980/PIAU/2021/4/9

Аннотация: Алихонтўра Согунийнинг (1885-1976) илмий мероси икки турли бўлиб, булар олимнинг ўзи томонидан ёзилган асарлар ва таржима асарларидан иборат. Мазкур мақолада олимнинг таржима асарлари, жумладан, Армени Вамберининг “Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи”, Дарвеш Али Чангийнинг “Мушиқа рисоласи”, Аҳмад Донишининг “Наводир ал-вақоеъ”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарлари, уларнинг ёзилиш тарихи, мазмун ва ўзига хос жиҳатлари, тавсифланиб, бирламчи таҳлиллари олиб борилди.

Алихонтўра Согуний шахсияти унинг сиёсий фаолиятлари орқали барчага маълум. Лекин, унинг илмий меъроси ҳали етарли даражада тадқиқ этилмаган. Масалан, олимнинг қаламига мансуб “Туркистон қайғуси” ва “Тарихи Муҳаммадий” асарлари бир неча бор нашр этилганига қарамай, алоҳида олиниб, ёзилиш давридаги сиёсий, маърифий ва диний муҳит, манбалари, уларда кўтарилган масалаларнинг бугунги ҳолати каби жиҳатлар синчиклаб ўрганилмаган.

Ушбу мақолада тавсиф ва таҳлили олиб бориладиган таржима асарлар хусусида тўхталадиган бўлсак, мазкур асарлар ўз йўналишлари бўйича шох асарлар сирасига киради. Масалан, Амир Темурнинг дастлаб, туркий тилда битилган, лекин, бугунги кунда фақат, форсий нусхалари сақланиб қолган “Тузуклар”и ўз соҳаси бўйича тенгсиз ҳисобланади. Чангийнинг “Мушиқа рисоласи”да айтилган етти турдаги нота масаласи эса ушбу асарнинг мушиқа соҳасида нақадар қимматли асар эканлигини кўрсатади. Ваҳоланки, Европада битта нота маълум холос. Ўзининг айгоччилик қобилияти билан, шунингдек, шарқ тиллари билимдони сифатида танилган венгриялик сайёҳ Армени Вамберининг “Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи” асари

Согуний томонидан ўзбек тилига ўғирилган яна битта тарихий манба саналади. Мазкур асар ўзида Ўрта Осиёнинг энг қадимги даврларидан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган тарихини ўз ичига олиши ва кўплаб бирламчи манбалар асосида ёзилиши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Аҳмад Донишининг Бухоро амирлиги тарихига оид “Наводир ал-вақоеъ” асари Согунийнинг яна бир кашфиётидир. Мазкур асарнинг аҳамияти хусусида таржимоннинг ўзи китобнинг кириш қисмида батафсил тўхталиб ўтган. Кўриниб турибдики, Алихонтўра Согуний таржимасига қўл урган асарларнинг барчаси ўзида мужассам этган ноёб маълумотлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: Алихонтўра Согуний, таржима, Шарқий Туркистон, Вамбери, Бухоро тарихи, Темур тузуклари, Чангий, Мушиқа рисоласи, Аҳмад Дониш, Наводир ал-вақоеъ.

Аннотация: Научное наследие Алихонтўра Сагуни (1885–1976) мы можем подразделить на два вида: сочинения, написанные самим ученым, и переведенные им произведения других авторов. В предлагаемой статье рассмотрены такие переводы ученого, как “История Бухары или Мавераннахра” Армена Вамбери, “Музыкальный трактат” Дарвеша Али Чанги, “Наводир ал-вақоеъ” Ахмада Дониша, “Правила Темура” Амира Темура, а также истории их написания, их содержание и специфика, кроме того проведены предварительный анализ.

Личность Алихонтўра Сагуни известна всем по его политической деятельности. Однако его научное наследие еще недостаточно изучено. Например, несмотря на то, что его труды “Печаль Туркестана” и “История Мухаммеда” публиковались несколько раз, они не были исследованы детально, не была изучена политическая, образовательная и религиозная среда того периода, источники и поднятая в них проблематика.

Если говорить о переведенных произведениях, которые описаны и проанализированы в этой статье, то эти произведения относятся к числу шедевров в своей области. Например, труд “Тузуклар” Амира Темура, изначально написанный на тюркском языке, но сегодня сохранившийся только на персидском языке, считается уникальным в своей области. Семь типов нот, упомянутых в “Музыкальном трактате” Чанги, показывает, насколько ценна эта работа в области музыки. Однако в Европе известна только одна нота. Другой исторический источник, переведенный Сагуни на узбекский язык, - это “История Бухары или Мавераннахра” Армени Вамбери, венгерского путешественника, известного своими знаниями восточных языков. Этот труд имеет особое значение, поскольку он охватывает историю Средней Азии с древнейших времен до второй половины XIX века и основан на многих первоисточниках. “Наводир аль-Вақоеъ” Ахмада Дониша об истории Бухарского эмирата - еще одно открытие Сагуни. Сам переводчик подробно рассказал о важности этой работы во введении к книге. Очевидно, что все

произведения, переведенные Алихантура Сагуни, имеют особое значение благодаря своей уникальности.

Ключевые слова: Алихантура Сагуни, перевод, Восточный Туркестан, Вамбери, История Бухары, Устав Темура, Чанги, Музыкальный трактат, Ахмад Даниш, Навадир ал-вакаеъ.

Abstract: The scientific heritage of Alikhantura Saguni (1885-1976) is of two types: works by the scholar himself and translated works. The article describes the translated works of the scholar, including "The History of Bukhara or Mawarannahr" by Herman Vamberi, "Musical Treatise" by Darvesh Ali Changi, "Navadir al-Waqai" by Ahmad Danish, "Tuzuks" by Amir Timur; the history of their writing, their content and specificity, as well as a preliminary analysis. Alikhantura Saguni's personality is known to all through his political activities. However, his scientific heritage has not yet been adequately studied. For example, even though his works "The Sorrows of Turkestan" and "History of Muhammad" have been published several times, they have not been studied in detail, such as the political, educational, and religious environment, sources, and current state of affairs.

If we talk about the translated works described and analyzed in this article, they are among the masterpieces in their field. For example, Amir Timur's Tuzuks was written in Turkish, but today only Persian copies are preserved, which is considered unique in its field. The issue of the seven types of notes mentioned in Changi's Musical Treatise shows how valuable this work is in music. However, in Europe, only one record is known. Another historical source translated into Uzbek by Saguni is "History of Bukhara or Mawarannahr" by Herman Vamberi, a Hungarian known for travel knowledge of Oriental languages. This work is of specific importance. It covers the history of Central Asia from the earliest times to the second half of the XIX century. It relies on many primary sources. Ahmad Danish's "Navadir al-Waqai" on the history of the Bukhara Emirate is another discovery by Saguni. The translator himself spoke in detail about the importance of this work in the introduction to the book. All the works translated by Alikhantura Saguni are of great importance with their unique information.

Keywords: Alikhantura Saguni, translation, East Turkestan, Vamberi, History of Bukhara, Tuzuks of Timur, Changi, Musical treatise, Ahmad Danish, Nawadir al-Waqai.

КИРИШ

Шаркий чегаралари Буюк Хитой деворининг бошланиш нуқтасигача узанган Ёркент хонлиги XVIII асрнинг 60-йилларида Чинг империяси томонидан забт этилгач, Шаркий Туркистон Хитой мустамлакасига айланди ва унга "Шинжонг" деб ном берилди. 1864 йилда бошланган умумхалқ кўзғолони натижасида бирин-кетин Кучар, Қашғар, Хўтан, Урумчи хонликлари, Или султонлиги каби бешта мустакил давлат ташкил топди. 1867 йилда Ёқуббек бошчилигида Хўтан, Куча, Қашқар,

хонликлари бирлаштирилиб, Етти шаҳар давлати тузилди, 1872 йилда унга Урумчи хонлиги қўшилди. 1871 йилда Или водийси рус армияси томонидан эгаллаб олинди муносабати билан Или султонлиги тугатилди. Шаркий Туркистонни қайтадан истило қилиш мақсадида Чинг империяси қўшин жўнатиб, Етти шаҳар давлатини йўқ қилди (Emin Bug'ro, 1940, b. 344-290).

XIX аср охирида содир бўлган ана шундай тўс-тўполонлар орасида, аниқроқ қилиб айтганда, Россия босқинидан тўққиз йил ўтгач, 1885 йилнинг 21 мартда собиқ Қўқон хонлиги ҳудуди ҳисобланувчи Тўқмоқ шаҳрида (қадимги номи Боласоғун) Алихонтўра Соғуний дунёга келди (Шокиров, 1992). Ўзининг сиёсий фаолиятлари билан танилган Алихонтўра Соғуний сермахсул умри давомида бир қанча асарлар, жумладан, "Шифо ал-илал" (Соғуний, Шифо ал-илал, 2004), "Туркистон қайғуси" (Alixonto'ra, 2007), "Тарихи Муҳаммадий" (Соғуний, Тарихи Муҳаммадий, 2020) номли асарлар, "Ўйғонайлик, уйғониш даври келди" (Sog'unu, 1945) номли рисола ҳамда "Биздан эмасдирлар ватанни севмаганлар" (Соғуний, Биздан эмасдирлар ватанни севмаганлар, 2005) сингари шеърлар тўпламига муаллифлик қилди. Шунингдек, Соғуний Тошкентда ўтгазган ўттиз йиллик сургунлик ҳаёти давомида бир нечта шоҳ асарларни, жумладан, А.Вамберининг "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" (Vambery, Geschichte Bucharas oder Transoxaniens, 1872, vol. I-II), Чангийннинг "Муסיқа рисоласи", Аҳмад Донишнинг "Наводир ал-вақоеъ" (Аҳмад Дониш, 2021), Амир Темурнинг "Темур тузуклари"ни (Темур, Темур тузуклари, 1967) ўзбек тилига таржима ҳам қилди.

ТАҲЛИЛ

Алихонтўра Соғунийнинг таржима асарларидан бири венгириялик Армений Вамберининг (1812-1913) "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" (Vambery, Geschichte Bucharas oder Transoxaniens, 1872, vol. I-II) номли асаридир. А.Вамберининг мазкур асари Ўзбекистон тарихининг энг қадимги давларидан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврини ўз ичига олиши ва қўплаб бирламчи тарихий манбалар асосида ёзилиши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳақида Р.Раҳмон "Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг 1992 йил 1 феврал сонидида чоп этилган "Алихонтўра Соғуний" сарлавҳали мақоласида Алихонтўра Соғуний тилидан қуйидагиларни ёзади: "Вамберининг китобида юртимизда қабила ва давлатчилик бошланганидан то чор ҳукумати бостириб келгунга қадар бўлган тарихлар бобма-боб баён қилинган. Вамбери Бухорога қаландар

ниқобида келиб, амир даргоҳига етиб шухрат топган. Унга мол-мулк, ер-сув инъом қилишганида уларни қабул қилмай: “Хазинангиздаги тарих китобларини ўқишимга ижозат берсангиз, менга бундан ортиқ мукофот йўқ” деб, бу тилагига эришган. Китобда ўн беш тарихчининг асарлари давр-давр билан баён қилинган. Менинг ҳам кўнглимда Туркистон тарихини ёзиш истаги бор эди, аммо мен Вамбери ўқиган эски тарих китобларининг саккизтасинигина ўқиганман. Қолган еттитасини топиб ўқишга имконим йўқ, умрим ҳам етмаса керак. Шунинг учун Вамбери жанобларининг китобини таржима қилиб қўя қолдим” (Раҳмон, 1992).

Алихонтўра айтган ўн бешта асарни А.Вамбери ўз китобининг кириш қисмида бирма-бир санаб ўтган. Булар Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарихи Табарий”, Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Байҳақий”, Мирхонднинг “Равзату-с-сафо фи сийрати-ланбиё вал-мулк вал-хулафо”, Алоуддин Атамалик Жувайний “Тарихи Жаҳонкушо”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Камолиддин Абдурраззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Мирзо Муҳаммад Маҳдийхоннинг “Тарихи Нодиршоҳ”, Муҳаммад Тақий Сипехрнинг “Насих ат-таворих / Тарихи Қожарий”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Шарофиддин Роқимнинг “Тарихи Роқимий”, “Тарихи Роқим”, “Тарихи Мирсаид Шариф Роқим”, “Тарихи Роқимий”, “Тарихи касира” номлари билан машҳур бўлган асари, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” ҳамда Мирзо Муҳаммад Содик ибн Абдували Мунший Жондорийнинг “Даҳмаи Шоҳон” асарларидир (Vambéry, History of Bokhara from the earliest period down to the present, 1872 p. IX-XV).

Р.Раҳмон ўз мақоласида Алихонтўранинг ушбу таржимаси ҳалигача топилмаганлигини, аммо унинг тўлиқ таржима қилингани ҳақида ишончли маълумотлар мавжудлигини куйидагича ифодалаган: “Алихонтўра Соғуний... Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” номли асарини ҳам таржима қилиб, хаттотларга кўчиртириб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг¹ кутубхонасига сақлаш учун топшириб қўйдилар” (Раҳмон, 1992).

“Соғуний: Уч китобдан иборат Маноқиб” асарида Алихонтўранинг ўғли Қутлуғхонтўра Шокиров Ё.Хўжамбердиевга мактуб йўллагани,

унда Алихонтўранинг мазкур таржима асарни усмонли туркча, татарча, арабча ва форсча сўзлари кўп бўлган Ф.Каримий ва Б.Шараф нусхалари асосида таржима қилгани, совет замонида хуш кўрилмаганлиги сабабли нашр этилмай, оила архивига қўшиб қўйилгани ёзилади (Хўжамбердиев, 2018, б. 385-386). Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ф.Каримий ва Б.Шараф нусхалари XX асрнинг 20-йилларида Бухоро Халқ Маориф Нозирлиги нашриётининг ташаббуси билан туркчага таржима қилинган. Бу таржима ҳам ўз навбатида Аркадий Павловский томонидан немис тилидан русчага таржима қилинган нусхага асосланади². Мазкур асарнинг ўзбек тилига қилинган иккинчи таржимаси 1990 йил Тоҳир Қаҳҳор томонидан амалга оширилиб, нашр этилган. Бу таржима ҳам Ф.Каримий ва Б.Шараф нусхалари асосида амалга оширилган (Вамбери, 1990).

Алихонтўра Соғуний томонидан таржима қилинган асарлардан яна бири Дарвеш Али Чангийнинг (XVI аср охири XVII аср бошилари) “Мусиқа рисоласи”дир. Мазкур асар “Тухфату-с-сурур” номи билан ҳам аталган.

Алихонтўра Санъатшунослик институтида қўлёзмалар бўйича консультантлик ҳам қилган. Бу ҳақида унинг невараси, иқтисодчи Равшан Шокиров маълумот беради. Р.Шокиров бобосининг таржима асарлари, хусусан, “Мусиқа рисоласи” тақдири билан қизиқиб, Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институти архивига боради. У ерда тасодифан 1962 йил санаси билан 550 ва 561 рақамли папкаларни очиб кўрганда, уларда Абу Али ибн Синонинг “Матлау-л-улум ва мажмаъу-л-фунун” ҳамда “аш-Шифо” китобларидан Соғуний қилган таржималар чиқади. Шу архивнинг мусиқа бўлими каталогига 542 рақамли папкада Алихонтўра таржимасида Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи”, Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Омулийнинг “Нафоис ал-фунун фи арроис ал-уйун” (Omuliy, ЎзР ФА ШИ № 2730/III) асарининг мусиқага оид боблари, Довуд Антокийнинг асарларидан мусиқавий-фалсафий маълумотлар, бундан ташқари, араб ва форс тилларидан таржима қилинган Фаробийнинг таржимаи ҳоли мавжудлиги ҳақида ёзилган. Аммо ўша папка йўқолган.

Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи” таржима қилингани мазкур асарни рус тилига таржима қилган санъатшанос олима Д.Назарова томонидан айtilган: “Биз бир неча аспирант ва ўқитувчилар эски қўлёзмаларни ўқишни ўрганиш

¹ Ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси.

² Мазкур таржима Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган “Туркистон тўплами”нинг 70-71 жилдларидан ўрин олган.

учун домланинг Себзордаги уйига борар эдик.... Отанинг этагидан маҳкам тутдим. Алихон ота ҳам мени шогирдликка танладилар... Биринчидан Дарвеш Алининг рисоласи ниҳоятда қизиқарли эди. Иккинчидан сабабини тутинган дадамнинг ўзлари айтганлар: “Қизимни ўқитмай куёвга берганман. Сизни ўқитаман”. Асардаги Имомкулихонга бағишланган қасида мисраларидан бири қуйидагича:

Карда сайти сахми қаҳрат, сурати миқдори кабк,

Сурати микрози котъ, бор пару боли уқоб³.

Алихонтўранинг ўғли Қ.Шокировнинг маълумотларига кўра, “Мусиқа рисоласи”нинг бир нечта саҳифаларидан ташқари тўлиқ шаклдаги таржимаси топилмаган. Шунингдек, у мазкур асарнинг тили оғир бўлганлиги сабабли уни ўқийдиган мутахассислар жуда оз бўлганини, санъатшунослик фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёзган Д.Назарова Алихонтўра билан боғланиб, бир неча йил давомида ундан “Мусиқа рисоласи”ни ўргангани ва унинг русча таржимасини амалга оширганини ҳам таъкидлаб ўтган. Демак, билиш мумкинки, Соғуний “Мусиқа рисоласи”ни рус тилига таржима қилишда қатнашган. Қ.Шокиров отасининг мусиқа ҳақидаги фикрларини қуйидагича эслайди: “Талабалик йилларимда мусиқага қизиққанман, лекин ҳеч бир мусиқа асбобида чалишни, асар ижро этишни эплай олмадим. Аслида мусиқа санъатгина эмас, балки бир илмдир, бизда унга шундай муносабат бўлган. Аввал бунинг илмини ўрганай деб бу соҳага оид асарлар устида ишлагандим, ўшандан мусиқа илмига ошнолик қолганди. Мана бугун ўша билим ишга яраб қолди. Аммо асбобда чалишни ўрганолмадим, унга Худо берган қобилият керак экан, ёлғиз илм кифоя қилмас экан” (Хўжамбердиев, 2018, б. 386). Шунингдек, Алихонтўра Европада битта нота борлигини, Чангий эса ўз асарида 7-8 хил нотадан баҳс этганлигини айтиб ўтган. Қ.Шокиров отасининг “Зижи Кўрагоний”нинг тили оғир бўлган матнлари устида ҳам ишлаганини, бироқ таржима парчаларининг қаердалигини билмаслигини ҳам айтиб ўтган (Хўжамбердиев, 2018, б. 387).

³ Луғатда сайт – шухрат, сахм – камон ўқи, котъ – кесадиган, кабк – тустовук, уқоб – бургут, пару бол – пат ва қанот маъноларини англатади. Қадимда уқоб патини камон ўқиға бойлашган. Ўшанда у ўлжага томон учиб бориши аниқ бўлган. Ушбу сатрларда айтилганки, беозор тустовукнинг патини кўрган одам, бу бургутнинг патику, деб ваҳимага тушган, чунки у жанговар ўқларнинг суратини эслатган. Мазкур сатр орқали Имомкулихоннинг одамлар орасидаги жанговар шухрати кўрсатилган. Ушбу маълумотлар “Мусиқа рисоласи”ни рус тилига таржима қилган санъатшанос олима Д.Назарова томонидан Р.Шокировга сўзлаб берилган (Хўжамбердиев, 2018, б. 384-385).

Алихонтўра Соғунийнинг яна битта таржима китоби бўлиб, уни форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур асар XIX асрда Бухоро амирлигида яшаб ижод этган шоир, адиб, тарихнавис олим ва дипломат Аҳмад Дониш қаламига мансуб “Наводир ал-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) (Аҳмад Дониш, 2021) асаридир. Асар муаллифининг тўлиқ исми Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий (“Аҳмад калла” номи билан ҳам машҳур) бўлиб, 1827 йил Бухорода дунёга келган. Унинг “Наводир ал-вақоеъ”дан ташқари илми нужум, илоҳиёт, география, адабиёт ва тарихга оид жами йигирмага яқин асари, жумладан, “Манозир ал-кавокиб” (“Сайёраларнинг манзаралари”), “Таржимаи аҳволи амирони Бухорои шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулахад” (“Бухорои шариф амирларининг таржимаи аҳволи, Амир Дониёлдан то амир Абдулахадгача”) номли асарлари мавжуд (Аҳмедов, 2001, б. 240-241).

Аҳмад Дониш 1857 йил амир Насруллоҳ Баҳодирхон ибн амир Ҳайдар (1806-1860) ва 1869 ҳамда 1874 йилларда эса амир Саид Музаффариддин Баҳодирхон ибн амир Насруллоҳнинг (1860-1885) элчилари қаторида Петербург шаҳрига борган. Чор Россиянинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш, олимнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатади ҳамда у мавжуд қонун ва тартибларни такомиллаштириш орқали, одил подшоҳ қўли билан жамиятни қайтадан қуриш мумкин, деган фикрга келади. Аҳмад Донишнинг бу қарашлари унинг 1875-1882 йиллари оралигида ёзган “Наводир ал-вақоеъ” асарида ўз ифодасини топган. Аҳмад Дониш мазкур асарда амирга давлат бошқарув ишларини қайтадан ташкил этишни маслаҳат берган. Лекин амир бундан ғазабланиб, уни Ғузорга қози қилиб юбориш йўли орқали пойтахтдан узоқлаштиради. 1885 йил амир Музаффар вафот этгач, у Бухорога қайтиб келиб, 1897 йилгача яъни, умрининг охиригача илмий фаолият билан машғул бўлади.

Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақоеъ” асари 1959 йил Алихонтўра томонидан доцент Абдурахмон Ҳамроев билан ҳамкорликда ўзбек тилига таржима қилинган. Қўлёзмасининг қайд рақами № 42-66 бўлиб, у биринчи марта 1964 йил “Фан” нашриётида Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан қисқартирилган шаклда нашр этилган. Қисқартиришларнинг сабаби сифатида “ўрта аср анъаналарига тааалуклик”, деб изоҳланган (Аҳмад Дониш, 2021, “Такдим”). Таржима асарнинг қўлёзмаси ва машинкада босилган нусхалари

Алихонтўра авлодларининг оилавий архивида ҳам мавжуд⁴.

“Наводир ал-вақоеъ” асари таржимасининг эллик қатордан иборат “Таржимонлардан” деб номланган назмий кириш қисмида Алихонтўра Соғуний бир қанча маълумотларни бериб ўтган. Мисол учун:

*“Наводир” китобики машҳурдир,
Ани ким ўқур эрса фикрин очур.
Ўқиб кўрса билгай анинг қадрини,
Кетгургай кўнглидан қора зангини.*

Таржимон мазкур жумлалар орқали асарнинг халқ орасида машҳур бўлганлигини таъкидламоқда, Шунингдек, уни ўқиган кишининг фикр доираси кенгайиб, кўнглидаги қора занглари ювилиб кетишини айтмоқда. Ушбу асарда илмнинг бир неча тури мавжудлиги ва бу илмлар орқали донолар жаҳонни низомга солгани, илмсизлар эса ҳамиша ўз ҳақ-хуқуқларини билмасдан хору-зор бўлганлиги кейинги ўн иккита қаторда ифодаланган. Таржимон китоб муаллифини қуйидаги мисралар орқали таништиради:

*“Наводир” китобини ёзган киши,
Анинг оти Аҳмад эрур Дониший.*

Соғуний Аҳмад Донишнинг гапларини сўзма-сўз моҳирлик билан таржима қилганлигини қуйидаги жумлалардан олиш мумкин:

*“Тирик кўп кишилар ўликдек бўлур,
Асар қолса кимдан, тирик ул эрур.
Меним бу китобимни ким ўқиса,
Танишган бўлур ҳам мени кўрмаса.”*

Таржимон мисраларнинг давомида Навоийни ҳам эслаб ўтган. Шунингдек, ушбу асарни туркий (ўзбек) тилига таржима қилишни Дорул-илм яъни, Ўзбекистон Фанлар академияси топширганлигини қуйидагича ифодалайди:

*Буни билди Дорул-илм бошчилар,
Биза туркий қилмоққа топширдилар.*

Асар ўзбек тилига содда, тушуниш учун осон бўлган шаклда таржима қилинган. У орқали ўзбек тилининг жозибасини ҳис этиш мумкин. Буни Соғуний шундай ифодалайди:

*Агар билмаса ҳар ким ўзбек тилин,
Буни ўқиб олсун, билур ўз тилин.*

Мазкур асар Соғунийнинг ўзи белгилагандек, 1959 йилда бир йилга етар-етмас таржима қилиб тугатилган. Асардаги назмий қисимлар ҳам асл ҳолида яъни, шеърини шаклда ўғирилган. Бу вақтга келиб Соғунийнинг ёши етмиш учдан ошганлиги ҳам кейинги қаторларда келтириб ўтилган. Таржима

ишлари ёши элликдан ошган доцент Абдурахмон Ҳамроев билан ҳамкорликда амалга оширилганлиги ҳам назмий шаклда баён этилган:

*Бу ишда менга ул ки ёрий эди,
Оти Абдурахмон Бухорий эди.
Ва ле ёши элликдин ошмуш эди...*

Мисралар сўнгида таржимон қуйидаги кўринишда ўз исми ва шуҳратини ҳамда миллатини айтиб, кириш қисмига якун ясаган:

*Алидир отим, шуҳратим Соғуний,
Ғамим халқ учун, миллатим ўзбеки (Аҳмад
Дониш, 2021, “Таржимонлардан”).*

Ф.Шокированинг маълумотларига кўра, Алихонтўра томонидан таржимаси амалга оширилган А.Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”, Дарвеш Али Чангийнинг “Муסיқа рисоласи” ҳали қўлёзма шаклида бўлиб, нашр учун тайёрланмоқда (Shokirova, 2017, s. 127).

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Алихонтўра Соғунийнинг яна бир таржима асари мавжуд бўлиб, у Амир Темур Тарағай Баҳодир ўғлининг “Темур тузуклари”дир (Темур, Темур тузуклари, 1967). Мазкур асар Амир Темурнинг етти ёшлик чоғидан, 1342 йилдан то вафотигача, яъни 1405 йилга қадар унинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376-1395), Усманийлар империяси ҳукмдори Йилдирим Боязид (1389-1402) қарши ва ниҳоят, унинг Озарбайжон, Гурезия ва Ҳиндстонга қилган ҳарбий юришлари қисқа ва лўнда шаклда баён этилган. Иккинчи қисм Темур номидан айтилган ва унинг тож-у тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тож-у тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тож-у тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради (Темур, Темур тузуклари, 2020).

А.А. Семёнов, Э.Г. Браун ва бошқа шу каби мутахассисларнинг фикрига кўра, “Темур тузуклари” бошда туркий тилда ёзилган ва унинг бир нусхаси Усманийларнинг Ямандаги волийси

⁴ Ушбу маълумот Қ.Шокиров томонидан Ё.Хўжамбердиевга йўлланган мактубда келтирилган (Хўжамбердиев, 2018, б. 387).

Жаъфар пошшонинг кутубхонасида сақланган. Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий ушбу нусха асосида “Темур тузукларини” форсчага таржима қилган. Асарнинг бизгача етиб келган барча қўлёзма ва тошбосма нусхалари ат-Турбатий таржимаси асосида яратилган. Масалан, “Темур тузуклари”нинг Бобурий ҳукмдор Шоҳжаҳон (1628-1657), Қўқон хони Мадалихон (1821-1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) томонидан кўчиртирилган нусхалари ҳам мазкур таржимага асосланади. Ҳиндистонлик тарихчи Абдулҳамид Лоҳурий (ваф. 1654) бу ҳақида ўзининг “Подшоҳнома”сида қуйидаги жумлаларни ёзган: “Ҳижрий 1047 йил Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий Шоҳжаҳонга “Темур тузуклари”нинг форсча таржимасини тақдим этди. Подшоҳ таржима билан танишиб, уни қозикалон, истеъдодли котиб Муҳаммад Афзал Бухорийга (ваф. 1651\1652) берди” (Лоҳурий, 1866-1872, ж. 1, б. 288).

Б.Аҳмедов маълумотларига кўра, “Темур тузуклари” биринчи марта 1273/1856-57 йили Хоразмда Муҳаммад Юсуф ар-Рожий томонидан “Тузуки Темурий” номи билан, 1858 йилда эса Паҳловон Ниез девон томонидан “Малфузот” номи билан ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу иккита таржима нусха ҳам Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Михаил Евграфович Салтиков-Шедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг ўзбек тилига қилинган яна бир таржимаси Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1821-1842) топшириғига биноан Хўжанд қозиси Набижон маҳдум томонидан амалга оширилган. Ушбу нусха тўлиқ бўлмай, фақатгина Темурнинг 39 ёшгача бўлган даврини ўз ичига олган ҳолос (Аҳмедов, 2001, б. 172). Мазкур асар шунингдек, тадқиқ ва зарур илмий изоҳлар билан 1783 йилда Англияда, 1785 ва 1891 йилда Ҳиндистонда, 1868 йили Эронда чоп этилган ҳамда дунё тилларидан бир нечасига, жумладан, 1787 йил француз, 1830 йил инглиз, 1845 йил урду, 1894, 1934 йилларда рус тилларига таржима қилиниб, нашр этилган (Темур, Темур тузуклари, 2020, б. 4).

Алихонтўра Соғуний томонидан “Темур тузуклари”нинг ўзбек тилидаги таржимаси 1962 йилда амалга оширилган бўлиб, илк бор 1967 йилда “Гулистон” журналида нашр этилган. Аммо бу таржима нашри комунистлар томонидан тўхтатиб қўйилади. Мазкур таржиманинг 1967 йил “Гулистон” жуналида нашр этилиши ва тўхтаб қолиши билан боғлиқ жараёнлар, ўша давр воқеликлари га гувоҳ бўлган инсонлар оғзидан Ё.Хўжамбердиев томонидан ёзиб олинди, батафсил баён қилинган (Хўжамбердиев, 2018, б. 370-374).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда “форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Караматов таржимаси” шаклида нашр этилаётган “Темур тузуклари” дастлаб, 1989 йил “Шарқ юлдузи” журналининг 8-сонида ўқувчиларга тақдим этилган. Ушбу ҳолатни тарих фанлари доктори Б.Аҳмедов, 1967 йилдаги Алихонтўра нашри маълум сабаблар билан тўлиқ шаклда чоп этилмагани, таржима эски ўзбек тилида бўлгани, баъзи жойлари тушириб қолдирилгани, кўп жойлари эркин таржима қилингани, матндан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилгани ҳамда қўплаб ўринларда ном ва атамалар нотўғри ёзилгани сабабли шарқшунос олим Ҳамидулла Караматов томонидан мазкур таржима жиддий равишда тузатилгани билан изоҳлаган. Ҳ.Караматов Соғунийнинг таржимасига “Тузуклар”нинг Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказида⁵ № 8201 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхаси ҳамда 1285/1868 ва 1307/1889-1890 йилларда босилган тошбосма нусхаларини солиштириш орқали тузатишлар киритган. Б.Аҳмедов “Темур тузуклари”нинг кириш қисми охирида ушбу “тузатишлар” ҳақида қуйидаги жумлаларни ҳам келтириб ўтган: “Асарнинг мазкур нашри юқоридаги нусхалар асосида қайтадан таржима қилинди, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Тарихий ва жуғрофий изоҳлар Б.Аҳмедов тарафидан тузилди” (Темур, Темур тузуклари, 2020, б. 12-13). Шу ўринда қайд этиш лозимки, соғунийшунос олим Ё.Хўжамбердиев асарида Ҳ.Караматов ва Б.Аҳмедовларнинг 1967 йилдаги нашрдан аниқлаган камчиликлари ва “қайтадан қилинган таржима”ларига ўз эътирозларини билдирган (Хўжамбердиев, 2018, б. 370-378).

Асарнинг Алихонтўра томонидан таржима қилинган нусхаси тўлиқ ҳолатда баъзи қўшимчалар билан бирга, Қ.Шокиров томонидан турк тилига таржима қилиниб, “Temur’un günlüğü / Tüzukat-ı Timur” номи остида 2004 ҳамда 2010 йилларда Истанбулда нашр этилган (Emir Timur, 2004, 2010, s. 151).

Алихонтўранинг Амир Темур ва унинг “Тузуклар”и борасидаги қарашлари ўзининг таржима асарида, “Таржимондан” деб номланган кириш қисмида ўз ифодасини топган. Унда дастлаб, Ўрта Осиё ҳудудларида Фаробий, Беруний, ибн Сино каби улўғ олимлар туғилганлиги, шунингдек, тарихларда дoston бўлган Темур каби Жаҳонгир ҳам ушбу ҳудудлардан чиққанлиги баён этилган. Бу каби олимлар номи қайта тикланаётган бўлсада, ҳалигача очилмай, қўмилиб ётган тарихий шарафларимиз

⁵ Ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

кўплиги таъкидланган. Бунинг бирдан бир сабаби сифатида барча тарих китобларимиз араб ва форс тилларида ёзилгани, ўз тилимиз ўзбекчада ёзилган китоблар эса озчиликни ташкил этиши асос қилиб кўрсатилган. Темур тарихини ва бошқа тарихий ишларимизни билишни хоҳлаган ўзбекистонлик ёш олимлар Европада тилдан тилга таржима қилинавериш, ўзининг асл жозибасини йўқотган ишларни ўқишга мажбур бўлаётгани, арабча, форсча, туркча китоблар эса Темур ҳақидаги турли тухматлар билан тўла эканлиги алоҳида таъкидланган. Таржимон Темурни йигирма етти пойтахтли ерни ўзига бўйсундирган лашкарбоши сифатида таърифлаган. Шунингдек, Темур ўзининг барча қилган ишларини қисқача китоб қилгани, номини “Темур тузуклари” деб атаб, ўздан кейин салтанатни сақлаб қолиши учун ушбу китобни болаларига ҳарбий-сиёсий ёсоқлар қўлланмаси сифатида қолдиргани ҳақида ҳам сўз юритади.

Алихонтўра ўз сўзининг давомида ушбу китоб аслида Темурнинг ўз қалами билан туркийда ёзилгани, бунга унинг меросхўрлари эга чиқолмагани, шунингдек, бу китобнинг асл нусхаси Лондон кутубхонасида сақланиши, Тошкент Диний назорати кутубхонасида ҳам бир нусхаси борлиги ҳақида айтиб ўтган. Китобнинг асл тили туркийда бўлганлигини ундаги бир қанча туркий сўзларга форсий таржимон сўз тополмай, мазкур сўзларни ўз ҳолида қолдиргани билан изоҳлаган. Бунга Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” китобида айтган, туркий тилнинг ҳар соҳада форс тилидан устунлиги ҳақидаги иборасини кўшимча қилган. Ўқувчиларга эса баъзи таржима қилинмай қолган асл туркий сўзлар, жумладан, чори булчор – урушга тўплаш, саврий – ҳадя, суюрғол – маош, ер-мулк, қобу – пайт, жолду – инъом, чопул – ҳужум, чопкулаш – қиличбозлик каби сўзлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, аскар ёсоқларида қўлланилган куйидаги сўзлар ҳам ўз ҳолида қолдирилгани таъкидланган. Масалан, ғўл (уруш чоғида аскар сафларининг энг ўрталиғи), баронғор (аскар сафларининг ўнг қўли), жаронғор (аскар сафларининг сўл қўли), хировул (аскар сафларининг олдидаги баҳодирлар тўпи), шоқовул (уруш майдонида эҳтиёт тўпи), чиндовул (уруш сафларининг орқа кўриқчи тўпи). Алихонтўра таржима асарнинг кириш қисмини Темурнинг ўттиз олти йиллик салтанат даврида содир бўлган тарихий воқеаларни қисқача билиш учун ушбу китоб етарли эканлиги ва китобни ўқиб чиққандан сўнг у ҳақида ким қандай ўйлаши ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола эканлигини айтиш билан якунлаган (Темур, Темур тузуклари, 1967).

Алихонтўра Соғуний ўзининг “Туркистон қайғуси” китобида ҳам Амир Темур ва унинг

“Тузуклар”и ҳақида сўз юритган. Унда “Тузуклар”нинг дастлаб туркийда ёзилгани, кейин Бобурнинг авлодлари томонидан форчага таржима қилингани, энг асосийси эса советлар даврида турли “олимсифат ерлик аҳмоқлар” Темур ҳақида ақлдан ташқари ноҳақ тухмат сўзлар ёзиб, матбуот орқали бутун халқ ичига тарқатишгани алоҳида урғу билан таъкидланган. Ҳаттоки, бу ҳолат қуйийидагича назмий шаклда ифодаланган:

*“Қарқуноқ⁶ йўқ дер экан ёғду қуёшнинг нурини,
Қанча кўп айтганларидан нури кам бўлмас қуёш.
Кўрлар бозорида йўқдир сўровчи сурмани,
Дарди йўқлардин топилмас кўзларидан томчи ёш.*

*Аслида жавҳар кўран эмас экандур ҳар киши,
Қайда билгай фарқини гавҳармидур ё қора тош?
Илму ҳикмат дурларини сочма нокас олдида,
Кирма ул мажлисгаким, ифлос оёқлар бўлса бош.*

*Гул ҳиди сассиқ эмиш ўсрақ қўнгизлар бурнига,
Сўзи сассиқдан йироқ гор, хоҳ қаридур, хоҳи ёш.
Узма Соғуний умидинг, еткизур Тангринг сенинг,
Тарқалур олам оро бир кун ҳақиқат бўлса фош”*
(Соғуний, 2020, б. 150-151).

Шунга кўра “Темур тузуклари” номлик бу қаҳрамон асарини қўлга келтириб, 1962 йили форсчадан ўз тили туркчага таржима қилдим. 1967 йили Ўзбекистонда янгидан чиқаётган “Тулистон” журналида босилиб, бутун Ўзбекистон халқига тарқатилгач, ўз тарихига тушунмаган Тожикистон олимлари аталмиш кишилар томонидан таржима устида ва ҳам Темур султон ҳақида ноҳақ ҳужумлар бошланган эди. Унга қарши биз суякка санчилгудек ақлий ва нақлий далиллар билан жавоб қайтариб, ҳаммани қаноатлантирган сўнгидагина уларнинг эшаклари лойга ботиб, ўзлари таслим бўлдилар. Ўша ботган бўйларича ўзларини қутқара олмай талваса қилаётган чоғларида шу ёзаётган “Туркистон қайғуси” тарихий воқеаси Темур устига етгач, у одобсизларнинг аҳмоқона сўзларини эскариб, ўқувчиларни шубҳадан чиқариш учун бу ўринда ёздим. Тарих ёзувчилар яхши-ёмон, бўлган-ўтган воқеаларни бўлганича, борица ҳақиқати билан ёзиб қолдиришлари аларнинг ўз вазифалари бўлганликдан бу фойдасиз бўлмаса керак (Соғуний, 2020, б. 151-152).

ХУЛОСА

Юртимиз ҳудудларида ўтмишда ёзилган асарларнинг аксарият қисми араб ва форс тилида битилгани сабабли мазкур асарларни ўзбек

⁶ Уйғур тилидаги нашрида “Жарқаноқ” шаклида келтирилган (نەلخان تورە، 7002، ب. 261).

тилига таржима қилиш муаммоси пайдо бўлди. Мутафаккир олим Алихонтўра Соғуний ана шундай масалани олдиндан кўра билган инсонлардан саналади. У Шарқий Туркистондан олиб чиқиб кетилгач, Тошкентда ўтказган умри давомида илм ва маърифат билан машғул бўлиб, бешта асарга муаллифлик қилди. Шу билан бир қаторда, “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи”, “Муסיқа рисоласи”, “Наводир ал-вақоеъ”, “Темур тузуклари” каби асарларга таржимонлик ҳам қилди. Ушбу таржима асарларнинг барчаси ўз даври ва соҳаси бўйича шоҳ асарлар саналади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ёзилиш тарихи ва шарт-шароитларига эга эканлиги ҳамда уларда ватаннинг улугъ тарихи, юрт равнақи, ёшлар учун панд-насихат ҳамда санъат билан боғлиқ масалалар ёритилгани кўриб ўтилди. Мисол учун, юқорида тавсифи келтирилган “Темур тузуклари”нинг биргина ўзи нақадар қийматли асар эканлиги барчага маълум. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда олимнинг илмий меъросини чуқурроқ тадқиқ этиш ва унинг хотирасини тиклаш тадқиқотсилар олдида турган масалалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Emir Timur . (2004, 2010). *Temur'un günlüğü / Tüzükat-ı Timur* . İstanbul: İnsan yayımları.
- Shokirova, F. (2017). *Türkistan aydınlarından Alihan Töre (1885-1976): hayatı, faaliyetleri ve fikirleri* . İstanbul.
- Vambery, A. (1872). *Geschichte Bucharas oder Transoxaniens (Vols. I-II)*. Stuttgart: Hansebooks.
- Vambery, A. (1872). *History of Bokhara from the earliest period down to the present*. London: Henry S. King & Co.
- Аҳмедов, Б. (2001). Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар). Тошкент: Ўқитувчи.
- Вамбери, Х. (1990). Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. (Т. Қажҳор, Trans.) Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
- Дониш, А. (2021). Наводир ал-вақоеъ. (А. С. Ҳамроев, Trans.) Тошкент-Истанбул.
- Лохурий, А. (1866-1872). Подшоҳнома. (М. К. Абдурахим, Ed.) Калкутта.
- Раҳмон, Р. (1992). Алихонтўра Соғуний. Қишлоқ ҳақиқати(1).
- Соғуний, А. (2004). Шифо ал-илал. Тошкент: Мовароуннахр.
- Соғуний, А. (2020). Тарихи Муҳаммадий. Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи.
- Соғуний, А. (2020). Туркистон қайғуси. Тошкент: Шарқ.
- Темур, А. (1967). Темур тузуклари. Гулистон(1).
- Темур, А. (2020). Темур тузуклари. (А. С. Караматов, Trans.) Тошкент: Илм-зиё-заковат.
- Хўҷамбердиев, Ё. (2018). Соғуний: Уч китобдан иборат Маноқиб. Тошкент: Шарқ.
- Шокиров, Қ. (1992). Икки Туркистон гурури. Шарқ юлдузи(7), 3.
- Сағуний, Ё. (1945). ئۇيغۇنلۇق، ئۇيغۇنلۇق دەۋرى كەلدى. خەلق ئاۋازى» گېزىتى.
- محمد بن محمود الاملي. (بلا تاريخ). نفائس الغنون في عرائس العيون. ЎЗР ФА ШИ .
- ئىمىن بۇغرا، م. (1940). شەرقىي تۈركىستان تارىخى. ئىمىن بۇغرا، م. (2007). تۈركىستان قاينۇسى. مېيۇنخېن گېرمانىيە: دۇنيا ئۇيغۇر قۇرۇلتىيى نەشر قىلدى.

REFERENCES:

- Emir Timur . (2004, 2010). *Temur'un günlüğü / Tüzükat-ı Timur* . İstanbul: İnsan yayımları.
- Shokirova, F. (2017). *Türkistan aydınlarından Alihan Töre (1885-1976): hayatı, faaliyetleri ve fikirleri* . İstanbul.
- Vambery, A. (1872). *Geschichte Bucharas oder Transoxaniens (Vols. I-II)*. Stuttgart: Hansebooks.
- Vambery, A. (1872). *History of Bokhara from the earliest period down to the present*. London: Henry S. King & Co.
- Ahmedov B. (2001). *O'zbekiston tarixi manbalari (qadimgi zamon va o'rta asrlar)*. Toshkent: O'qituvchi.
- Vamberi, H. (1990). *Buxoro yosh Movarounnahr tarixi*. (T. Qahhor, Trans.) Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti.
- Donish, A. (2021). *Navodir al-vaqoe*. (A. S. Hamroev, Trans.) Tashkent-Istanbul.
- Lohuriy, A. (1866-1872). *Podshohnoma*. (M. K. Abdurahim, Tahr.) Kalkutta.
- Rahmon, R. (1992). *Alixonto'ra Sog'uniiy. Qishloq haqiqati*(1).
- Sog'uniiy, A. (2004). *Shifo al-ilal*. Toshkent: Movarounnahr.
- Sog'uniiy, A. (2020). *Tarixi Muhammadiy*. Toshkent: G'ofur G'ulom nashriyot-matbaa ijodiy uyi.
- Sog'uniiy, A. (2020). *Turkiston qayg'usi*. Toshkent: Sharq.
- Temur, A. (1967). *Temur tuzuklari*. Guliston(1).
- Temur, A. (2020). *Temur tuzuklari*. (A. S. Karamatov, Trans.) Toshkent: Ilm-ziyo-zakovat.
- Xo'jamberdiev, Y. (2018). *Sog'uniiy: Uch kitobdan iborat Manoqib*. Toshkent: Sharq.
- Shokirov, Q. (1992). *Ikki Turkiston gururi*. Sharq yulduzi(7), 3.
- Sog'uniiy, A. (1945). *Uyg'onayli, uyg'onish davri kald*. "Xalq ovozi" gazet.
- Al-Omuli, Muhammad ibn Mahmud. (No history). *Nafais al-funun fi arais al-uyun*. O'zR FA SHI, № 2730/III.
- Emin Bug'ro, Muhammad. (1940). *Sharqiy Turkiston torixi*. Kobul.
- Sog'uniiy, Alixanto'ra. (2007). *Turkiston qayg'usi*. Myunxen, Germaniya: Dunyo Uyg'ur Qurultoyi.